

УСТРУШОНА ХУДУДИДА КЎЧМАНЧИ ЧОРВАДОРЛАР ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Тошбоев Ф., Холбоев З., ЖДПИ ўқитувчилари

XX асрнинг 50-йилларида машхур олим М.М.Дьяконов Уструшона қадимдан деҳқончилик вилояти бўлиб келган, бу ҳудуддан кўчманчилар маданиятига оид ёдгорликларни излашга асос йўқ, деб таъкидлаган эди. Бироқ, изланишлар натижасида, Уструшонанинг Туркистон ёнбағирлари ва унга туташ дашт ва чўлларида кўчманчилар билан боғлиқ кўплаб ёдгорликлар борлиги маълум бўлди. Ярим шар шаклида тупроқ ёки тошдан кўтарилган, даврлар мобайнида усти емирилиб силлиқланган мазоркўрғонлар Уструшонанинг Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудларида кўплаб қайд қилинган ва маълум тарзда ўрганилган.

Ҳудуддаги кўчманчилар қадимиятига оид ёдгорликларни ўрганиш XX асрнинг 40-йилларида В.Ф.Гайдукович томонидан Ширинсойдаги антик ва илк ўрта асрларга мансуб қабрларни ўрганишдан бошланган. Муаллиф бу қабрларни даврий санасини милодий II-IV асрларга оид деб таъкидлайди.

Уструшонанинг ҳозирги **Сирдарё вилояти** ҳудудида ҳаммаси бўлиб 17 та кўрғонлар гуруҳи аниқланган. Бу ҳудуднинг шимолий қисмини қадимда асосан кўчманчилар яйловлари бўлган Мирзачўл эгаллаган. Бироқ бу ерда қайд қилинган кўчманчилар моддий маданиятига мансуб ёдгорликлар кам ўрганилган. Афсуски, уларнинг кўпчилиги Мирзачўлни ўзлаштириш муносабати билан йўқ қилинган. Бугунги кунда сақланиб келганлари ҳам йирик ҳажмдаги алоҳида кўрғонлардан иборат.

Кўрғонлар вилоятнинг жанубий тоғ олди ҳудудлари (Ховос жануби) да яхши сақланиб қолган. Уларда шимолий тарафидагилардан фарқли тарзда, йирик кўрғонлар кам. Улар асосан кичик ҳажмда. Ушбу ёдгорликлардан Саритепа ва Киндиктепа мазоркўрғонлари Ўз РФА археология институти Сирдарё отряди томонидан 1984 йилда очиб ўрганилган.

Улкан-Сойлик мазоркўрғони, биринчи бор В.Ф.Караваеванинг Мирзачўлнинг ўтмиши ва бугунги даври ҳақидаги статистик-иқтисодий мазмундаги мақоласи харитасида қайд қилинган. Кейин уни М.Е.Массон сардоба деб тахмин қилган. Ёдгорлик Гулистон шаҳри шимолий қисмида наслчилик посёлкаси ҳудудида жойлашган. Унинг қандай вазифани ўтаганлигини ўрганиш мақсадида Ўз РФА археология институти катта илмий ходими А.А.Грицина томонидан қазув тадқиқотлари тўтказилган. У ерда турли даврга оид устма уст қурилган ўчоқлар ва унинг ёнидан турли хил ашёвий манбалар олинган. Ўтказилган тадқиқот унинг йирик қабила бошлиғи дафн этилган кўрғон эканлигига ишора қилади. Муаллиф бу мазоркўрғонларни Ўрта Осиёда ғуз ёки ўғуз номлари билан машхур бўлган туркий тилли кўчмачи қабилаларнинг оқсоқолига тегишли деб тахмин қилган.

Жиззах вилоятида мазоркўрғонлари анча кўп сақланиб қолган. Улар асосан вилоятнинг тоғ ва тоғ олди ҳудудларида жойлашган. Шимолий-ғарбий Уструшонадаги биринчи кўрғонлар Ғаллаорол туманидаги Шохидтепа ва унинг атрофида Л.И.Ремпел, Э.В. Ртвеладзе томонидан ўрганилган.

Ў.Алимов томонидан Жиззахнинг шимолидаги Учтепа даҳасидаги битта кўрғон ўрганилган. Бу кўрғон Уструшона ҳудудида ўрганилган мазоркўрғонларга қараганда улкан. Кўрғон дромоси зина(пандус)ли, у орқали қабр лаҳадига тушиб борилган. Лаҳадда эса жасад йўқ. Бироқ сополдан ясалган сағана (гроб) ва ҳайвон суяги қолдиқлари бор. Ёдгорлик даврий санасини муаллиф милодий III-IV асрларга оид деб белгиллаган. Бироқ, қабр иншоотининг тузилиши, йўналиши ва топилмалар тавсифи милодий II-IV асрларга оид Фарғона водийсидаги Қорабел мазоркўрғонларига ўхшаш.

Сағонок мазоркўрғонлари, Хўжамушкентсой (Сағоноксой) нинг ўнг қирғоғида, Сабот қишлоғининг ғарбида жойлашган. Улар дастлаб А.А.Грицина томонидан 1988

йилда аниқланган ва ўша муаллиф томонидан ўрганилган. Қўрғонлар, Ўрта Осиё ва Қозокистон ҳудудларида кўплаб ўрганилган лаҳадга перпендикуляр туташувчи узун дромосли Кенқўл типигаги қабрлардан иборат. Муаллиф, уларнинг даврий санасини, қабр иншоотининг тузилиши, йўналиши ва топилмаларининг кўпроқ Фарғона водийсидаги II-IV асрларга оид Қорабел қабрлари билан ўхшашлигига асосланиб милодий II-IV асрларга оид деб фикр билдирган.

Уструшонанинг Тожикистон ҳудудидаги мозорқўрғонлар анча яхши ўрганилган. XX асрнинг иккинчи ярмида СССР ФА ва Тож ФА ҳамда давлат Эрмитажи олимларидан ташкил топган Тожикистон махсус археологик отряди, Уструшона ҳудудида, режали асосда, ёзма манбаларда таъкидланган маълумотлар бўйича муваффақиятли тадқиқотлар олиб борди. Археологик топилмаларни антик ва ўрта асрларда ёзиб қолдирган маълумотлар асосида таҳлил қилдилар. Тадқиқотлар маҳсули сифатида Н.Н.Негматов томонидан биринчи бор Уструшонанинг қадимги даврдан X асргача бўлган тарихига батафсил тавсиф берилди.

Бу ҳудуддаги мозорқўрғонлар Ўратепа ва Хўжанд вилоятларида айниқса кўп. Хўжанд -Уструшона отряди ва Шимолий Тожикистон комплекс археологик экспедицияси (СТАКЭ) томонидан кўчманчи чорвадорларга мансуб кўплаб қўрғонлар ўрганилган.

Ҳудуддаги мозорқўрғонларни кенгрок ўрганиш мақсадида 2007-2009 йиллардаги кузги мавсумда воҳадаги Ғулбо мозорқўрғонлар мажмуасида қазув-тадқиқотлари ўтказилди. Ғулбо мозорқўрғонлари гуруҳи Жиззах вилояти, Зомин туманидаги Ғулбо ва Шўрча қишлоқларининг шимолий чегарасида, Тўрткўлтепа қарвонсаройининг жанубий-ғарб томонида Туркистон тоғининг шимолий адирликларида жойлашган. Ушбу мозорқўрғонлар мажмуаси илк бор 1996 йил ЎзРФА Археология институти Зомин отряди томонидан қайд қилинган.

Қўрғонларнинг барчаси шу ердаги табиий тупроқдан кўтарилган. Уларни уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи, шимолий гуруҳида 11 та, иккинчи жанубий гуруҳда (шимолдан чуқур жарлик орқали ажралиб туради) 9 та, учинчи ғарбий гуруҳда эса 4 та мозорқўрғон жойлашган. Жами 24 та қўрғон мавжуд. Мозорқўрғонларнинг сони ва уларнинг географик жойлашувига нисбат бериб, бу ерда режали равишда жамланган мозорқўрғонлар комплекси мавжудлигини таъкидлаш мумкин.

Шимолий гуруҳдаги мозорқўрғонлардан бир нечтаси очиб ўрганилди. Қўрғонлар ашёвий манбаларга жуда бой бўлиб, булардан турли хилдаги сопол идиш (қозон, кўза, тувак, ва ҳ.к.)лар, пичоқлар, ханжар, қилич, камон учлари, узук, ўсмадон, исирикдон ва турли металл буюмларни санаш мумкин. Қабрда олов билан боғлиқ дафн этиш аломатлари сезилиб турибди. Биринчи қўрғондаги жасадни дафн этиш пайти махсус идишда олов ёқиб қўйилган. Иккинчи ва учинчи қўрғонларда эса мархумлар ёқилган. Юқоридаги ҳолатлар қадимги Уструшона ҳудудида яшаган ушбу қабр соҳибларида оловга сиғиниш билан боғлиқ удумлар кенг ёйилганлигини кўрсатади.

Ушбу қўрғонларда, отлар билан боғлиқ (яъни отда кетаётган кўринишдаги) дафн этишнинг ҳам гувоҳи бўлди. № 1 қўрғонда бир нафар жасад дафн этилган бўлиб, у худди отда кетаётганга ўхшаш кўринишда, № 2 қўрғондаги яна бир қабрда эса жасад ярим отлик кўринишда дафн этилган.

Ўрганилган мозорқўрғонларнинг учаласи ҳам катакомб - лаҳадсимон бўлиб, қабрларнинг умумий кўриниши Кенқўл қабрлари типига, яъни ғарбдан перпендикуляр келувчи дромос-йўлак айвон билан узунасига туташувчи лаҳад (катакомба)дан иборат. Ғулбо лаҳадли мозорқўрғонларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги мулоҳазалар ҳам муҳим ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, Уструшона ва унга туташ ҳудудлардаги юқорида санаб ўтилган кўчманчилар моддий маданиятига мансуб ёдгорликларнинг ўрганилишини уч даврга бўлиш мумкин. Улар XX асрнинг 20-йилларигача бўлган разведка тарзидаги

маълумотлар, XX асрнинг 90-йилларигача бўлган ва XX асрнинг 90-йилларидан кейинги даврлар.

Адабиётлар:

1. Алимов А., Северчков ЛМ. Работы в Джизакской области //АО1984. -М., 1986.
 2. Гайдукевич В.Ф. Могильник близ Ширинсая в Узбекистане. // С. Арх. М.,1952.
-